O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

МЕН МАДАНИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДУНЁНИ ЖАҲОЛАТ ВА ВАҲШИЙЛИКДАН, ДИНИЙ ВА МИЛЛИЙ ЭКСТРЕМИЗМДАН, ЭТНИК ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК, МИНТАҚАВИЙ МОЖАРО ВА УРУШЛАРДАН САҚЛАЙ ОЛИШИГА ИШОНАМАН.

Шу азиз Ватан — барчамизники

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❑ 2000 YIL 29 AVGUST SESHANBA № 101-102 (26.652)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтириш, юртимизнинг халкаро нуфузини янада ошириш ишига кўшган салмоқли хиссаси, ўз ижоди, илмий фаолияти, ватанпарварлиги билан обрў-эътибор қозонгани, фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва бошқа ижтимоий соҳаларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётгани, эл-юртга халол хизмати сингганини эътиборга олиб ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ»

Аҳмедов Шокир — Мукимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри бош балетмейстери

Маҳмудов Темур — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги «Мақом» ансамблининг мусиқа раҳбари

Маҳмудов Мирҳалил — Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси доценти, бастакор

Назаров Бахтиёр Муҳаммаджонович — «Ўзбекфильм» киностудияси постановкачи рассоми

Шапиро Владимир Михайлович — Ўзбекистон академик рус драма театри бадиий раҳбари

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН АРБОБИ»

Алибеков Лапас Алибекович — Самарқанд давлат университетининг кафедра мудири, география фанлари доктори, профессор

Рўзибоқиев Руслан Маҳмудович — Ўзбекистон Фанлар академияси Иммунология институти директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ҳожиев Азим — Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бош илмий ходими

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ»

Авазов Рихсивой — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

Абдурашидов Абдулаҳад Абдулҳамидович — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги «Мақом» ансамбли созандаси

Бакирова Ойбарчин Аббосовна — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

Матёкубова Гавҳар — «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси Хоразм вилояти бўлимининг бош балетмейстери

Рафиқов Афзал Азимович — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри

(Давоми 2-бетда)

ХДП ХАБАРИ

ПАРТИЯВИЙ НУҚТАИ НАЗАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг 2000 йил 28 август куни бўлиб ўтган йиғилишида **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси иши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.** Сиёсий ижроқўм сессия кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалаларнинг мамлакатда ислоҳотларни изчил олиб боришда катта аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, партиянинг парламентдаги фракцияси аъзоларига уни ҳамда қонунлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, қўллаб-қувватлашини тавсия этди.

Мажлисда, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг 2000 йил 14 августдаги Баёнотидан келиб чиққан ҳолда, республиканинг барча сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларига, мамлакат ижтимоий-сиёсий кучларининг халқаро терроризмга қарши муштарак нуқтаи назарини ишлаб чиқиш таклифи билан, мурожаат этишга қарор қилинди.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси «Иккинчи чақириқ халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида фаолият кўрсатаётган ХДП депутатлик гуруҳлари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилиб, тегишли қарор қабул қилди. Унда кўрсатилишича, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг аксариятида, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар гуруҳлари ташкил этилиб расмийлаштирилмоқда. Сиёсий ижроқўм барча партия кенгашлари олдига ушбу ишларни тезроқ ниҳоясига етказиш ва депутатлар партиявий гуруҳларининг ишини йўлга қўйишга яқиндан кўмаклашиш вазифасини қўйди.

Мажлисда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг, партия матбуот нашрларига 2001 йил учун обунани ташкил этишдаги аниқ вазифалари, жумладан, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журналига олдиндан ёздиришнинг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича, назорат рақамлари белгиланди. Шу ҳақда қабул қилинган қарорга мувофиқ, партия марказий газеталари обуна нархининг, уларни чиқариш ва етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар шу кунларда анча ошишига қарамасдан, ҳозирги даражаси сақлаб қолинди. Бу муштарийлар ва ташкилотлар учун бирмунча енгиллик туғдиради. Сиёсий ижроия қўмита, обуна мавсумини ўтказишда энг яхши натижаларга эришган (назорат рақамларини тўла бажарган ва энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган) Қорақалпоғистон Республика, вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашларини рағбатлантириш мақсадида, махсус мукофотлар (МК Фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари) таъсис этди ҳамда уларни беришнинг шартларини тасдиқлади. Обуна мавсумини ўтказишга шахсан катта ҳисса қўшган фуқароларни тақдирлаш газеталар ва журнал таҳририятлари зиммасига юклатилди. **Партия матбуот нашрларига обунани уюшқоқлик билан ўтказиш,** таъкидланади Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми ҳужжатида, **ХДП барча даражалардаги кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаоллари партиявий бурчи, энг муҳим сиёсий вазифасидир.**

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ОСИЁ ОЛИМПИЯ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ЙИҒИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Муҳтарам меҳмонлар!

Сизларни ўзбек халқининг миллий байрами — Мустақиллик куни арафасида Ўзбекистон заминига ташриф буюрганингиз билан чин қалбимдан қутлайман.

Мен Осиё Олимпия Кенгаши Президенти муҳтарам Шайх Аҳмад ал-Сабоҳга, Ижроия Қўмитанинг барча аъзоларига, азиз меҳмонларга халқимизнинг салом ва эҳтиромини етказишдан ғоят мамнунман.

Мазкур анжуманнинг XXVII Олимпия ўйинлари арафасида Тошкентда ўтаётгани Ўзбекистоннинг халқаро Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ва Олимпия ғояларига садоқатининг халқаро спорт ҳамжамияти томонидан яна бир бор эътироф этилиши ифодаси, деб биламан.

Осиё Олимпия Кенгаши спортни ривожлантириш орқали қитъадаги барча халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдек ўзининг олижаноб ишида Ўзбекистонни ишончли шерик деб билаётгани барчамизни қувонтиради. Ўзбекистон ҳар бир миллат ўз куч ва салоҳиятини бунёдкорлик, илм-фан ва спорт соҳаларида намоён этишининг қатъий тарафдоридир. Ўйлайманки, бундай муштарак мақсадлар қарор топган ўзаро ҳамкорлигимизни янада кучайтиришда муҳим омил бўлади.

Қитъамизнинг кўплаб мамлакатларида Олимпия ҳаракати ривожланиб бораётгани, жаҳон чемпионатлари ва бошқа нуфузли халқаро мусобақаларда Осиё спортчилари тобора кўпроқ совринли ўринларни эгаллаётгани Осиё Олимпия Кенгаши амалга ошираётган ишлар ўз самарасини бераётганидан ёрқин далолатдир.

Ишончим комилки, қитъамиз спортининг ҳурматли намояндалари иштирок этаётган Ижроия Қўмитанинг ушбу йиғилиши Осиё спортининг янги асрдаги тараққиётида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, анжуман ишига муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Куни кеча Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги депутатлик фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишда Олий Мажлиснинг учинчи сессияси кун тартибига киритилган масалаларга фракция ёндошувлари аниқланди.

Суратларда: Ўзбекистон Республикаси депутатлик фракцияси йиғини қатнашчилари.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИГА ТАВСИЯЛАР

Жорий йилнинг 28 августида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги депутатлик фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси кун тартибига киритилиши кўзда тутилаётган масалаларга фракциянинг ёндашувлари аниқланди. Фракция аъзолари Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг, Сурхондарё вилояти Сариосиё ва Узун туманларидаги воқеаларга оид, 2000 йил 14 августдаги Баёнотини ҳамда унинг халқаро терроризм билан курашни кучайтириш тўғрисидаги даъватини қўллаб-қувватладилар.

Фракция раиси И. Кочмарик ва депутатлар А. Мелкумов (18-сайлов округи), Ф. Омонов (222-сайлов округи), В. Сигедин (152-сайлов округи), М. Мамажонов (201-сайлов округи) сўзга чиқиб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг Олий Мажлис учинчи сессиясининг таклиф этилган кун тартибини, шунингдек, унга киритилиши мўлжалланаётган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги тавсиясини маъқуллаб, шу билан бирга, айрим масалалар бўйича тақдим этилган ҳужжатлар лойиҳаси юзасидан, баъзи бир тузатиш ва қўшимчалар киритиш кераклигини лозим топдилар. Фракциянинг тегишли таклифлари Олий Мажлис Котибиятига олдиндан етказиб берилганлиги қайд қилиб ўтилди.

Фракция йиғилиш иштирокчиларини унда жамоавий тарзда ишлаб чиқилган муштарак нуқтаи назарини сессияда изчил ифода ва ҳимоя этиш ҳамда унинг уюшқоқлик билан, юксак савияда ўтишига муносиб ҳисса қўшишга даъват этди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ЭЛГА МАДАДКОР БЎЛАЙЛИК

Эл бошига иш тушди. Бир гуруҳ ватангадолар юртимизга суқулиб кирмоқчи бўлишди. Худога шукрки, Ватанимизнинг жанговар Қуролли Кучлари уларни ер билан яксон қилмоқда.

Мен ҳам тадбиркорман. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилида фермер хўжалигига асос солдик. Ҳозир ихтиёримизда 1100 бошдан ортиқ қорамол бор. Юртбошимизнинг бевосита кўрсатма ва ташаббуслари боис қаддимизни тиклаб олдик.

Газетангизни ўқиб, тўғриси таъсирландим. Олийҳиммат, саховатпеша, халқ дардига дармон бўлаётган юртдошларимиз бор бўлсин экан. Шўрчилик отахон Мадарт Шойқувловнинг ҳиммати қойил қолдим. Бу кунлар албатта ўтади. Бир қийинчиликнинг минг роҳати бўлади дейишади-ку. Шундай дамларда биз тадбиркорлар қараб турсак бўлмас. Шу боис ўз ҳисобимдан 2 тонна гўшт, 2 тонна помидор, 3 тонна пиёз, 1,5 тонна картошка, 6 тонна қовун, 1,5 тонна карамни жанг майдонларида мардонавор жанг қилаётган ҳарбийларимизга ва қўшни туманларга кўчириб келинган аҳолига бердим.

Ишонаман! Ғаним ер тишлайди. Жипслашайлик... Қўлни-қўлга берайлик.

■ **Аҳмад НАРЗУЛЛАЕВ,**
Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари

ВОКЕА ЖОЙИДАН РЕПОРТАЖ

ЖАНГЧИЛАРНИНГ РУҲИ ТЕТИК

Олий Бош қўмондон Ислом Каримовнинг Сариосиё ва Узун туманларига ташрифлари, жангчиларимиз билан қилган суҳбатлари уларнинг қалбларида бир умрга муҳрланиб қолажак.

Бугун ҳам ҳарбийлар учун ана шундай кун. Барчабарчанинг юзида хурсандчилик. Кўзларида севинч ёши. Куни кеча мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинган эди. Мукофотланганлар орасида Сариосиё ва Узун туманлари тоғларида халқаро террорчиларни яксон этаётган довюрак жангчиларимиз ҳам бор.

— Буни фақат юрак-юракдан ҳис қилаяпман, сўз топишга ожизман, — дейди жангчи, «Жасорат» медали соҳиби Ҳайдар Абдиев. — Аввало Ватанимиз учун қаҳрамонларча ҳалок бўлган ўртоқларимнинг Юртбошимиз томонидан тақдирланиши мени тўлқинлантириб юборди. Президентимиз ва халқимиз учун барчамиз жон беришга ҳам тайёрмиз.

— Юртимизга хатлаб кирганлар, тинчлигимизни бузганлар ер тишлади, — ўз фикрини билдиради жангчи, «Жасорат» медали соҳиби Абдулла Муродов. — Бу мукофот нафақат меники, аввало ҳалок бўлган ўртоқларимизники. Сафдошларимизники деб биламан.

Халқаро террорчиларга қарши жанглар давом этаяпти. Ўқтин-ўқтин бўлган тўқнашувларни айтмасак, ҳафта осуда ўтди. Лекин ҳарбийларимиз ички ҳалқани тобора қисқартиришмоқда. Соат сайин душман сиқувга олинмоқда. Текшириув ва кузатиш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Террорчилар келиши эҳтимоли бўлган довонлардаги блок постларда жангчиларимиз доимо сергак.

Дам олиш кунлари Панжоб довонининг душман келиш эҳтимоли бўлган қисмлари чегарачи қўшинларимиз ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг махсус гуруҳи томонидан миналаштирилди.

Якшанба куни соат 16 ларда шу довоннинг оғир юк ва қурол-аслаҳа олиб ўтиш қулай бўлган жойлари жангчиларимиз томонидан портлатилди. Шу куни тунда Киштут дарасида бекиниб юрган террорчилардан бир нечтаси ички ҳалқани ёриб ўтишга ҳаракат қилишди. Лекин жангчиларнинг бу уринишлари тезда бартараф этилди. Тозалаш ишларининг навбатдаги операцияси бошланди. Бирлашган Қуролли Кучларимиз жангчилари тобора «марказ»га яқинлашмоқда.

Кеча куннинг иккинчи ярмида эса Боботоғ тоғининг Қободиён ва Шартуз томонидан террорчилар кириши эҳтимоли бўлган йўллар ҳам йўқ қилинди. Халқаро террорчилар ҳар томонлама исканжада қолган. Жасоратли йигитларимизнинг эса руҳи баланд.

Юртимиз байрам оғушида. Эрта-индин энг улуғ, энг азиз бўлган Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги байрам қилинади. Халқимизга байрам ярашади. Элимиз тинчлик тарафдори. Шундай экан, юртимизда тинчлик ва мустақиллик боқий бўлсин!

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

НОҚОБИЛ ФАРЗАНДГА ЛАЪНАТ

Ҳеч ким, ҳеч нима демаганда ҳам «Хоин Тоҳир Йўлдошевнинг онаси!» деган тавқи-лаънат юзимни қаро қилди. Дадаси вафот қилганида кенжа болам 5 ёшда эди. Кони меҳнат билан, новвойлик қилиб, қийинчиликларда ўстиргандим. Тоҳир бадхулқни арзимаган баҳона билан укасини қаттиқ урганида ўзим уйдан чиқариб юборгандим. 10 йил бўлди, қорасини кўрмадим. Шундоқ қонхўр, мараз болани туққунча ўлганим яхши эди.

Маҳалладан мактабга йиғилишга чақириб, ҳамма «лаънат сенга!» — деди. Шундоқ мараз, худо бехабар махлуқни мен туққан бўлсам, нима дейман. Невараларим ҳам бировга қўшилолмай қолган. Бутун элнинг тинчини бузиб йиртқичларга малайлик қилиб юрган хоинни арвоҳга топширдим. Дадасининг арвоҳи урсин. Умри татимаган мендай бахтиқаро онанинг ҳам қарғиши тегар. Қиблага қараб туриб, она номим билан қарғаб айтаман: Тоҳирни ер ютсин, шериклари билан гўрда чирисин!

Ватан хоинлари, ота безори, она безорилар даф бўлди деган гапни эшитсам, жонимни гаровга қўйиб бўлсаям тўй қиламан. Президентимиздан, бутун элу халқдан юзим шувут. Мени шу кўйга солган лаънати Тоҳирга ўлим!

■ **Каромат АСҚАРОВА,**
Тоҳир Йўлдошевнинг онаси, Наманган шаҳри, Авлиё домла маҳалласи.

ТОШКЕНТ – ЎШ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИНИНГ ҚАМЧИҚ ВА РЕЗАК ДОВОНЛАРИДАГИ ТУННЕЛЛАР ҚУРИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Авваламбор, барчангизни мамлакатимиз халқ хўжалиги учун, бугунги ва келажак тараққиётимиз учун улкан стратегик аҳамиятга эга бўлган Тошкент — Ўш автомобиль йўлининг Қамчиқ ва Резак довонларида туннеллар қуриш ишларини муваффақиятли адо этганингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Ватанимиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг халқаро автомобиль ва денгиз йўлларига чиқиш, хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларимизни янада кучайтириш сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан барпо этилиб, фойдаланишга топширилаётган замонавий туннеллар бу борада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларимизнинг яна бир ёрқин далилидир.

Бу туннеллар нафақат мамлакатимиз ҳудудларини, балки турли давлатлар ва минтақаларни бир-бири билан боғлашга хизмат қиладиган Тошкент — Ўш магистрал йўли имкониятларини янада ошириш билан ҳам аҳамиятлидир.

Ишончим комилки, оғир иқлим ва мураккаб гидрогеологик шароитда амалга оширилган, беқиёс имкониятларимиз ва катта салоҳиятимиздан далолат берадиган бу улкан қурилиш мамлакатимиз тарихида унутилмас саҳифа бўлиб қолади.

Бугунги кунда бир кеча-кундузда 17 минг автомобиль, қарийб 15О минг йўловчи ўтаётган бу трансконтинентал йўл қайта тикланаётган Буюк ипак йўлининг муҳим бўғини, кўплаб халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи дўстлик ва биродарлик, тинчлик ва ҳамкорлик йўли бўлиб қолиши шубҳасиз.

Қадрли юртдошларим!

Йўл ва кўприклар қуриш, одамларнинг узоқини яқин қилиш азалдан бунёдкор халқимиз учун энг савоб, энг хайрли иш ҳисобланган. Мана шундай улуғвор ишда, мамлакат раҳбари сифатида, сизлар қатори менинг ҳам ҳиссам борлигидан беҳад мамнунман.

Янги аср бўсағасида, Мустақиллик байрами арафасида ватандошларимиз ва келажак авлодларга муносиб туҳфа ҳозирлаган сиз, йўлсозларга, ишчи-мутахассисларга, муҳандис ва лойиҳачиларга, бу эзгу ишга ўз ҳиссасини қўшган барча юртдошларимизга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллик шодиёнаси билан ҳаммангизни самимий муборакбод этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хайрли ишларингизда омадлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА»

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг тўққиз йиллиги муносабати билан, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қуйидаги маҳкумлар озод қилинсин:

а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек, Чернобиль АЭСдаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда иштирок этган шахслар;

б) аёллар;

в) 60 ёшдан ошган эркаклар;

г) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

д) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;

е) чет эл фуқаролари.

2. Уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга, шунингдек, эҳтиётсизлик орқасида содир этган жинояти учун ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи маротаба олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Ушбу Фармон чиқарилган кунга қадар, белгиланган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазодан ўташ учун бир йилдан кам муддат қолган маҳкумлар озод қилинсин.

5. Биринчи маротаба ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Фармон чиқарилган кунга қадар, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ жойларидан қонунга мувофиқ жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар озод қилинсин.

7. Ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар манзил-колонияларга ўтказилсин.

8. Ушбу Фармоннинг биринчи моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, иҳтиёрий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

9. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмга;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмга.

10. Ушбу Фармон қуйидагиларга қўлланилмасин:

— Ўзбекистон Республикасининг конституцион тузумига қарши жиноятлар содир этган шахсларга;

— террористик, экстремистик ва бошқа ноқонуний ташкилотлар, жиноий уюшмаларнинг аъзоларига;

— миллий, ирқий адоват қўзғатиш ва жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун судланганларга (Жиноят кодексининг 150-163, 216, 216-1, 216-2, 242, 244, 244-1, 244-2 моддалари);

— жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга, шунингдек илгари амнистия ёки авф этиш тартибида жазони ўташдан озод этилгандан сўнг қасддан жиноят содир этган шахсларга.

Бундан ташқари:

— ушбу Фармоннинг 1-моддаси «б» банди — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 97-моддасининг 2-қисми), ёхуд босқинчилик (Жиноят кодекси 164-моддасининг 4-қисми) жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан;

— мазкур Фармоннинг 1-моддаси «а, в, г, д, е» бандлари, 2-9 моддалари — қуроллар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга алоқадор шахсларга нисбатан (Жиноят кодекси 247-моддасининг 2, 3 қисмлари, 248-моддасининг 2, 3 қисмлари);

— ушбу Фармоннинг 1-моддаси «а, в, г, д, е» бандлари, 2, 3, 5 ва 8-моддалари — уюшган жиноий гуруҳлар таркибида жиноят содир этган шахсларга (Жиноят кодекси 167-моддасининг 4-қисми «а, в» бандлари билан судланганлар бундан мустасно), ўта оғир жиноятлар учун судланганларга, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга алоқадор шахсларга (Жиноят кодекси 270-моддасининг 3-қисмида, 271-моддасининг 3-қисмида, 272, 273-моддалари) ва ўта хавфли рецидивистларга нисбатан татбиқ этилмасин.

11. Фармон матбуотда эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 28 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ – ЎШ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИНИНГ ҚАМЧИҚ ВА РЕЗАК ТОҒ ДОВОНЛАРИДА ТУННЕЛЛАР ҚУРИЛИШИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқаро аҳамиятга эга бўлган Тошкент — Ўш автомобиль йўлини таъмирлаш ва қайта қуриш, Қамчиқ ва Резак тоғ довонларидаги туннеллар қурилишида фидокорлик намунасини кўрсатганликлари, узоқ йиллик самарали меҳнати билан мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Ахмедов Хайдарали Ғуломович — Андижон йўл таъмирлаш ва фойдаланиш трести ҳайдовчи-юкловчиси

Деҳқонов Абдужаббор Кучкарович — «Наманганмахсусавтойўлтаъмир» трести автогрейдерчиси

Мухитдинов Яшнар Сидикович — «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни «Буюк ипак йўлининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтадиган қисмини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш бўйича Бош бошқармаси» бошлиғи

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Алибоев Рисқали Қуроматович — «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни Бурғулаш ва портлатиш ишлари махсус бошқармаси портлатувчиси

Усмонов Эркинжон Кўчқорович — Боғдод тумани автомобиль йўллари бошқармаси автогрейдерчиси, Фарғона вилояти

Юркин Андрей Эдуардович — «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни «Махсусавтойўл-таъмир» трести ҳайдовчиси

Джураев Муса Джураевич — «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни минтақавий бош муҳандиси

Жалимбетов Калдарбек Ибрагимович — Қозоғистон Республикаси «Отрар» ҳиссадорлик жамияти президенти

Костин Геннадий Михайлович — «Гидропроект» очиқ акциядорлик жамияти лойиҳа бош муҳандиси

Маматов Исмоил Якубович — Фарғона йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси бош маслаҳатчиси

Мармыш Георгий Викентьевич — «Казахгидроспецстрой» ҳиссадорлик жамияти объект бошлиғи, Қозоғистон Республикаси

Сухороков Владимир Васильевич — «Киргизгидроспецстрой» ҳиссадорлик жамоаси цементчилар уста-бригадири, Қирғизистон Республикаси

Храповицкая Алла Адамовна — «Ўзйўллойиҳа» институти йўл бўлими гуруҳ раҳбари

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Асқаров Баходир Қирғизалиевич — «Наманганмахсусавтойўлтаъмир» трести бетон қоришмалар қурилмаси оператори

Касимходжаев Баходир Кучкарович — «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни «Ўзйўлтаъминот» бошқармаси бошлиғи

Нишонбоев Нигматулла Туйчиевич — Бўстонлиқ тумани автомобиль йўллари бошқармаси бошлиғи, Тошкент вилояти

Хаджахонов Насибали Ғазиевич — Янгиобод автойўлдан фойдаланиш бошқармаси йўл бўлими бошлиғи, Тошкент вилояти

Хайдаров Хидирали — Фарғона автомобиль йўлларидан мунтазам фойдаланиш бошқармаси экскаваторчиси

Хидиров Низомитдин Жалолович — Қўқон йўлларидан мунтазам фойдаланиш бошқармаси автогрейдерчиси, Фарғона вилояти

Холиқов Содиқ — «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни «Махсусавтойўлтаъмир» трести бошқарувчиси

Эргашев Абдулвохид Ғаниевич — «Наманганмахсусавтойўлтаъмир» трести экскаваторчиси

Янтуров Райимжон — Андижон йўл таъмирлаш ва фойдаланиш трести бульдозерчиси

Ўтапов Борот Ўтапович — Анжидон йўл таъмирлаш ва фойдаланиш трести автогрейдерчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН

Аширметов Гайрат Косимович — Бўстонлиқ тумани автомобиль йўллари бошқармаси газ-электрпайвандчиси, Тошкент вилояти

Исомиддинов Мирзанажмиддин Кутбиддинович — Андижон йўл таъмирлаш ва фойдаланиш трести чилангари

Кимсанов Манноб — Андижон йўл таъмирлаш ва фойдаланиш трести экскаваторчиси

Мирзаев Махмуд Кушатович — «Гидропроект» очиқ акциядорлик жамияти лойиҳа бош муҳандиси ўринбосари

Мирходжаев Пўлат — «Буюк ипак йўлининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтадиган қисмини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш бўйича Бош бошқарма» бошлиғи ўринбосари

Омурзаков Хайрулло Иминжанович — Андижон йул таъмирлаш ва фойдаланиш трести геодезисти

Тиллабоев Сидиқжон Нематович — Қўқон йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси экскаваторчиси, Фарғона вилояти

Тўйчиев Зайиржон Халимбаевич — Олмалиқ «Пўлаттиклаш» бошқармаси электр пайвандчиси, Тошкент вилояти

Хамидходжаев Сергей Султанович — «Гидромахсусқурилиш» ихтисослашган бошқармаси бош муҳандиси

Эргашев Одилбой — «Пўлатқурилма» ишлаб чиқариш технологик комплектлаш бошқармасининг газ билан қирқувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 28 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Раҳимов Мирзоҳид — «Ўзтелерадио» компанияси диктори

Сапаева Мирзагул Жуманазаровна — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали драма театри актёри

Сатторова Майрамой Саидовна — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Тўхтасинов Маъмуржон Салимжонович — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Умаров Саидкомил Ҳамраевич — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

Шодмонов Сулаймон Нуруллоевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри дирижёри

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ»

Изентоев Жоллибой Тангирбергенович — Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, рассом, Қорақалпоғистон Республикаси

Йўлдошев Муборак Саидақулович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

Миржалилов Тоҳир Жамолович (марҳум) — Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, рассом

Раҳметов Собир Ғофурович — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти доценти, рассом

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ»

Акпаров Асқарали Адамшоевич — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси Наманган вилоят бўлими раққоши

Асроров Қудрат Курбонович — Сурхондарё вилояти Шеробод керамика заводи кулоли

Султонов Мўмин Маннопович — Халқ санъати усталари «Устозода» корхонаси ганчкори

Холматов Ниёзали — «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш марказининг миниатюрачи рассоми

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ»

Хабилов Тоҳир Абдумаликович (Тоҳир Малик) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ШОИРИ»

Азимов Усмон (Усмон Азим) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Нарзуллаев Нормурод — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ҲОФИЗИ»

Йўлдошев Маҳамаджон Усубжонович — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги «Мақом» ансамбли хонандаси

Тожибоев Маҳмуджон Ғозиевич — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги «Мақом» ансамбли хонандаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАХШИСИ»

Тоғаев Шомурод — Бахши, Деҳқонобод тумани, Қашқадарё вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»

Авазов Баҳром Бекназарович — Қарши давлат университети жисмоний тарбия ўқитувчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси

Маҳмудов Махтумқули Худойбердиевич — Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари Жисмоний тарбия-спорт жамиятининг самбо спорти мактаби мураббийси, халқаро тоифадаги спорт устаси

Қосимжонов Рустам Машрукович — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг шахмат бўйича спортчи-ўйрақчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

Абдулазизова Дилбар Собитовна — Республика ёш томошабинлар театри актёри

Абдуллаев Ҳабибулла Убайдуллаевич — Республика ёш томошабинлар театри актёри

Абдуллаева Озотхон — Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театри актёри

Асқаров Акбарали Жакбарович — Наманган вилояти «Навбаҳор» ашула ва рақс ансамбли созандаси

Ашурова Зухра Жўраевна — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

Володина Ольга Викторовна — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

Зарипова Илгиза Солиҳовна — «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси раққосаси

Зарипова Каримахон Фахриддиновна — Ўзбек давлат цирк бирлашмаси чавандоз артисти

Иброҳимов Илҳом Абдуллаевич — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Игамназарова Мунисхон Турсуналиевна — Республика қўғирчоқ театри актёри

Исломов Саттор Бозорович — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси актёри

Исмоилова Шоҳида Ғаппоровна — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

Каримова Бозоргул Каримовна — Қорақалпоғистон телерадио-компанияси оркестри хонандаси

Комилов Равшанжон Раҳимович — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Мамарасулов Абдуҳолиқ Холматович — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театри актёри

Москалёва Лариса Владимировна — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Муҳаммадкаримов Беҳзод Абдулазизович — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

Мўминов Собиржон Одилжонович — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Номозов Маҳмуд Алматович — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» канали мусиқа муҳаррирлари раҳбари, хонанда

Норматов Абдусоли Файзиқулович — Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театри актёри

Пармонов Илҳомжон Шомаматович — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Рашидов Ибрагим Абдумаликович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри созандаси

Раҳимов Бахтиёр Мелибоевич — Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусиқали драма театри актёри

Рўзиматов Эркинбой Орзиматович — «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси хонандаси

Сафаров Орол Абдуманнонович — Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти ўқитувчиси, хонанда

Сотволдиева Муяссархон Раҳимовна — «Тановар» ансамбли бош балетмейстери

Тожиев Қилич Мусажонович — Фарғона вилояти «Парвоз» ашула ва рақс ансамбли хонандаси

Тўхтаева Мадина — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри

Тўғонов Оразқилич — Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театри актёри

Холиқов Муҳриддин Жалолиддинович — Тошкент полиграфия комбинати «Ниҳол» ансамбли раҳбари, хонанда

Шарипов Руслан Тагирович — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

(Давоми 3-бетда)

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси 30 август куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 29 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 30 август куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР БЛОКЛАРИ ТАРКИБИГА КИРАДИГАН ДЕПУТАТЛАР ДИҚҚАТИГА

29 август куни Олий Мажлисда:

соат 9.30 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокининг;

соат 11.00 да — Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясининг;

соат 12.00 да — «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг;

соат 14.00 да — «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг;

соат 14.30 да — ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши бўлиб ўтади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 29 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	165,91	10 Люксембург франки	64,87
1 Австрия шиллинги	19,02	1 Малайзия рингги	76,17
1 Англия фунт стерлинги	425,88	1 Германия маркаси	133,79
10 Бельгия франки	64,87	1 Польша злотийси	66,34
1 Голландия гульдени	118,74	1 СДР	378,63
10 Греция драхмаси	7,76	1000 Туркия лираси	0,45
1 Дания кронаси	35,10	1 Финляндия маркаси	44,01
1 БАА дирхами	78,80	1 Франция франки	39,89
1 АҚШ доллари	289,40	1 Швейцария франки	169,55
1 Миср фунти	82,90	1 ЕВРО	261,68
10 Испания песети	15,73	10 Жанубий Корея вони	2,60
100 Италия лираси	13,51	10 Япония иенаси	27,23
1 Канада доллари	194,91	1 Россия рубли	10,45
1 Хитой юани	34,95	1 Украина гривнаси	53,21

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 2-бетда)

Эсанова Курсия Назаровна — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги «Дуторчилар» ансамбли хонандаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Абдуалибекова Кимия — Тошкент вилояти Қибрай тумани 1-касб-ҳунар лицейи ўқитувчиси

Абдуллаева Мунаввара— Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институти доценти

Абдурахмонов Ғофур Муҳаммеджонович — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти, рассом, филология фанлари номзоди

Бобохўжаев Марат Абдусаматович — Тошкент давлат Шарқшунослик институти кафедра профессори, тарих фанлари доктори

Газиева Диляра Исраиловна — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети кафедра мудири

Игамбердиев Хусан Закирович — Тошкент давлат Техника университети профессори, техника фанлари доктори

Исабоева Замирахон Маҳкамовна — Андижон Молия-иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси

Исломова Мубашира — Навоий вилояти Кармана туман касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Калонова Ибодат Мирзаевна — Самарқанд тиббиёт касб-ҳунар коллежи бўлим мудири

Курбаниязов Рустам — Урганч давлат университети кафедра мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент

Маракаев Рим Юсупович — Тошкент Архитектура қурилиш институти кафедра профессори, техника фанлари номзоди

Музаффарова Людмила Менисламовна — Наманган давлат университети жисмоний тарбия кафедраси катта ўқитувчиси

Низаметдинова Мисбоҳат Анваровна — Тошкент давлат Техника университети қошидаги академик-лицейи ўқитувчиси

Парахатова Перуза — Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир тумани 12-сон касб-ҳунар лицей ўқитувчиси

Соколов Валерий Константинович — Тошкент Электротехника алоқа институти профессори, техника фанлари доктори

Султонов Номозбой Тошмирзоевич — Самарқанд давлат Меъморчилик қурилиш институти кафедра мудири, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор

Турдиев Ғолибжон Солиевич — Фарғона вилояти Бешариқ тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори

Уразбоев Исматулла Умматович — Гулистон давлат университети кафедра мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент

Фозилова Муҳаббат — Жиззах вилояти О.Олимжонов номидаги касб-ҳунар лицейи ўқитувчиси

Холмуродов Холмўмин — Сурхондарё вилояти Сариосиё туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори, биология фанлари номзоди

Шаропова Анисахон Ходжаевна — Бухоро давлат Тиббиёт институти кафедра мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Эргашев Абдиолим — Қарши давлат университети доценти, филология фанлари номзоди

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

Жабборов Шухрат — «Халқ сўзи» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Жамилова Гулчеҳра Каримовна — «Сиҳат-саломатлик» журнали бўлим муҳаррири

Калонхонов Мурод — «Адолат» газетаси мухбири

Кистанова Татьяна Ивановна — «Спорт» газетаси бўлим мудири

Комилжонов Маҳмуджон Орифович — «Тошкент оқшоми» газетаси масъул котиби

Обидов Рустамбой Турсунович — «Сирли олам» журнали бош муҳаррири ўринбосари

Сапаров Михли — «Халқ сўзи» газетаси бўлим муҳаррири

Ходжаева Назирахон Болтабаевна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Наманган вилояти мухбири

Шомансурова Раҳима — Эркин ижодкор

Хусаинов Сулаймон — Самарқанд вилояти «Зарафшон» газетасининг бўлим муҳаррири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИХТИРОЧИ ВА РАЦИОНАЛИЗАТОР»

Ҳакимов Ортиғали Шарипович — Ўзбекистон Республикаси «Ўздавстандарт» стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш илмий-тадқиқот институти етакчи илмий ходими, техника фанлари доктори, профессор

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Абдурахманов Ўразбай — «Ўзтелерадио» компанияси «Ўзбектелефильм» студиясининг Қорақалпоғистон филиали бошлиғи

Аҳмедов Сирожиддин Убайдуллаевич — «Гулистон» журнали бўлим муҳаррири

Джуманиязов Розметбай — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомухбири

Жўраев Маҳмуд — «Қишлоқ ҳаёти» газетаси рассоми

Иброҳимов Абдурасул Абдуназарович — Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Маданият ишлари бошқармаси бошлиғи

Калонов Нуриддин Жўраевич — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими рассоми

Маматов Солижон — Фарғона вилояти Олтиариқ туман ҳокимлиги маданият ишлари бўлими мудири, хонанда

Носиров Йўлдошхон — Қўқон шаҳар «Аскиячилар клуби» раҳбари

Ражабов Риски Аъзамович — Қашқадарё вилоят ҳокимлиги Маданият ишлари бошқармаси бошлиғи

Розиқов Юсуп Сулаймонович — Кинорежиссёр

Сайфуллаев Бахтиёр — Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти ўқитувчиси

Султонов Баҳодир Тўхтамуродович — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи директори

Файзуллаев Амир Сайдуллаевич — «Жаҳон адабиёти» журнали бўлим муҳаррири

Файзуллаев Раҳимжон — Алишер Навоий номидаги Республика давлат кутубхонаси нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлими мудири

Фозилова Назми — Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти кичик муҳаррири

Хасанов Наби Ғаниевич — «Ўзтелерадио» компанияси радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйининг овоз режиссёри

Холназаров Султон — «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти бўлим мудири

Эргашев Исамат Исоқович — «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси раиси ўринбосари, кинорежиссёр

Қўлдошев Нодир — «Ўзбектелефильм» студияси кинорежиссёри

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

Абдуллаев Нурмамат — Самарқанд Тиббиёт институти клиникаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Абдуллаева Юлдузхон — Фарғона вилояти Қува тумани марказий шифохонаси чақалоқлар бўлими шифокор-неонатологи

Абдумажидов Асқар — Жиззах вилояти Пахтакор тумани марказий шифохонасининг шифокор-педиатри

Атаназарова Саломат — Хоразм вилояти Қўшкўпир туман марказий шифохонаси болалар бўлими мудири

Валиева Клара Саидовна — Республика кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори

Гаффоров Равшан Аҳмедович — Сурхондарё вилоят болалар шифохонаси реанимация бўлимининг шифокори

Зафарова Сайёра Мўминовна — Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар акушерлик мажмуи чақалоқлар бўлими мудири

Ибрагимов Маҳмуджон — Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани марказий шифохонаси неврология бўлими мудири

Любина Галина Васильевна — Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт-санитария бирлашмасига қарашли 1-марказий поликлиникасининг шифокор-стоматологи

Любчич Аделина Семеновна — Тошкент шаҳар 10-туғуруқхона мажмуи бош шифокори

Мамбеткадиров Аманбай — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туман марказий шифохонаси бош шифокори

Мўминова Эъзозхон Қамбаровна — Андижон вилоят туғуруқхонаси мажмуи акушер-гинекологи

Нарбаев Ердан Нарбаевич — Навоий вилояти Конимех тумани марказий шифохонаси бош шифокори

Ниязматов Бахтиёр Ибрагимович — Республика Бош давлат санитария шифокори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари

Сидиқов Зафар Умарович — Тошкент вилояти кўз микрохирургияси марказининг раҳбари

Солиев Ҳамид Ҳашимович — Бухоро вилояти Шофиркон тумани марказий шифохонаси неонатология бўлими шифокори

Тўрақулов Ботир Раҳимович — Қарши шаҳар марказий шифохонаси урология бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди

Умирзоқов Кўчқор — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани фельдшер-акушерлик бўлими мудири

Юсупова Озода Жалиловна — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 36-оилавий поликлиника бош шифокори

Кориев Марат Ҳикматович — Республика Нейрохирургия маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Қурбонов Неъматжон Мамажонович — Андижон давлат Тиббиёт институти кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

Бекчанов Баҳодир Каримович — Хоразм вилояти Урганч тумани 1-болалар-ўсмирлар спорт мактабининг миллий кураш бўйича мураббийси

Ёлхин Алексей Георгиевич — «Динамо» теннис клубининг катта мураббийси

Катков Николай Яковлевич — От спорти бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг катта мураббийси

Ли Климентий Константинович — Фарғона вилоят ихтисослаштирилган олимпия ўринбосарлари болалар ва ўсмирлар мактабининг стол тенниси бўйича мураббий-ўқитувчиси

Подмарев Вадим Александрович — Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасининг 1-сонли олимпия ўринбосарлари тайёрлашга ихтисослашган болалар-ўсмирлар мактаби мураббийси

Расулов Сайфулло Бобошевич — Қарши шаҳридаги 19-касб-ҳунар мактаби директори

Романчук Михаил Михайлович — Чирчиқ шаҳар республика олимпия ўринбосарлари билим юртининг бокс бўйича катта мураббийси

Рустамов Борис Олегович — Сув спорти турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг бош мураббийси

Тожиев Баҳодир Мухиддинович — Касаба уюшмалари федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви раиси ўринбосари

Тўраев Рустам Худойберганович — Спорт яккакурашлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўйича бош мураббийси

Усмонов Пўлат Акрамович — Ўзбекистон Таэквон-до федерацияси президенти ва мамлакат терма жамоасининг бош мураббийси

Фаткулин Камиль Махмудович — Спорт яккакурашлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг юнон-рум кураши бўйича бош мураббийси

Фозилов Маркиэл Аронович — Самарқанд шаҳар шахмат ва шашка бўйича ихтисослаштирилган олимпия ўринбосарлари болалар-ўсмирлар мактаби директори

Шарипов Амрилло Азимович — Бухоро вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамияти қошидаги 1-болалар-ўсмирлар спорт мактабининг бош мураббийси

Шафиков Ҳасан Ҳамзаевич — Спорт ўйинлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг теннис бўйича катта мураббийси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»

Абдуллаев Маҳаматқодир Маҳамматякубович — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси бокс бўйича спортчи-йўриқчиси

Аҳмедов Умиджон Мадаминович — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Сирдарё вилояти бўлими компьютер техникаси оператори, халқаро тоифадаги спорт устаси

Ачилов Адҳам Ўткурович — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг эркин кураш бўйича спортчи-йўриқчиси

Багдасаров Армен Юрьевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг дзюдо бўйича спортчи-йўриқчиси

Захартдинов Дамир Минимуллаевич — Ўзбекистон Республикаси давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг эркин кураш бўйича спортчи-йўриқчиси

Исламов Рамиль Раисович — «Динамо» спорт жамияти йўриқчиси

Малинина Татьяна Валерьевна — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси спортчи-йўриқчиси

Михайлов Сергей Егорович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Андижон вилоят бошқармасининг спорт ва жисмоний тайёргарлик бўйича йўриқчиси

Турғунов Тўлқинбой Бултуралиевич — «Динамо» спорт жамияти бокс бўйича йўриқчиси

Тўлаганов Карим Олимжонович — Марказий ҳарбий спорт клуби ҳарбий хизматчиси

Тўлаганова Ирода Ботировна — Теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Тўраев Фарҳод Рустамович — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси дзюдо бўйича спортчи-йўриқчиси

Хайдаров Ўткирбек Абдужалилович — «Динамо» спорт жамияти бокс бўйича йўриқчиси

Хинчагов Руслан Ерганович — «Динамо» спорт жамияти йўриқчиси

Чагаев Руслан Шамильевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси бокс бўйича спортчи-йўриқчиси

Шацких Максим Александрович — Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ва «Динамо» (Киев, Украина) клуби футболчиси

Ярбеков Дилшод Ахмадович — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг бокс бўйича спортчи-йўриқчиси

Курбонов Баҳодир Исоқович — Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси Кўнгилли жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг юнон-рум кураши бўйича мураббийси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

Акбаров Азимжон — Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислари институти кафедра мудири, техника фанлари номзоди, профессор

Исаков Тўлқин — Фарғона шаҳар саноат касб-ҳунар коллежининг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Йўлдошев Баҳодир Жўраевич — Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-академик лицей директори

Кимсанбаев Хўжамурод Ҳамроқулович — Тошкент давлат Аграр университети кафедра мудири, биология фанлари доктори, профессор

Колосова Ольга Александровна — Тошкент вилояти Олмалиқ тоғ маъданчилик техникуми директори

Насимов Хусан Абдурахмонович — Самарқанд давлат университети қошидаги академик лицей ўқитувчиси

Раҳимова Тўра — Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири, биология фанлари доктори, профессор

Тешабоев Алишер — Андижон давлат университети профессори, физика-математика фанлари номзоди

Тогунова Надежда Петровна — Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти доценти, техника фанлари номзоди

Хуррамов Шукур Хуррамович — Термиз давлат университети кафедра мудири, биология фанлари доктори, профессор

Мамлакатимизда фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришдаги катта хизматлари, истиқлолни мустаҳкамлаш, халқимизнинг илм-зиё салоҳиятини, маънавиятини юксалтириш ҳамда юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Набиев Малик — Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми

Носирова Ҳалима — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти

«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахмонов Абдуғафур — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

Акбаров Илёс — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, мусиқашунос

Алимахсумов Орифхон — Ўзбекистон халқ артисти, ҳофиз

Аминова Азизахон — Йўлдош Охунбобоев номидаги Андижон вилоят мусиқали драма театри актёри

Аҳмедов Раҳмонберди Сарваевич — Спорт яккакурашлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

Жалилов Сайфи (Сайфи Жалил) — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, бастакор

Изомов Хайри — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, бастакор

Маматхонов Яҳёхон — Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма театри актёри

Мирвалиев Собир — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

Назиров Ҳаким (Ҳаким Назир) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Раҳмонов Мамажон — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, санъатшунос

Тожибоева Онахон — Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театри актёри

Юсупова Тўти — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Алимов Фарҳод Ғуломович — Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси доценти

Аллабергенов Отахон — Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театри рассоми

Ансатбаев Нажмаддин — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мусиқали драма театри режиссёри

Аҳмедов Ашраф — ЮНЕСКО қошидаги Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти директори, тарих фанлари доктори

Аҳмедова Момогул — Қашқадарё вилояти Қарши туман «Момогул» фольклор-этнографик дастаси бадиий раҳбари

Валихўжаев Ботирхон Набирахўжаевич — Самарқанд Давлат университети кафедра мудири, академик

Жабборов Султонбой (Султон Жаббор) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Жўраева Гулчеҳра Содиқовна (Гулчеҳра Жўраева) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Мадреимов Пўлат Шамшетович — Қорақалпоғистон Республикаси «Айқулаш» ансамбли бош балетмейстери

Марупов Рафиқ — Самарқанд вилояти «Меъмор — 96» очиқ турдаги махсус илмий ишлаб чиқариш ва таъмирлаш акциядорлик жамияти раиси

Маҳаммадиев Шерзод — Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят мусиқали драма театри бадиий раҳбари

Маҳмудова Санъат Содировна — «Саодат» журналининг Фарғона вилояти мухбири

Миродилов Тоҳир Мирходжаевич — Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди

Мусажонов Фарҳод — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Муҳаммеджанов Илъхом Таирович — Ижарадаги Тошкент матбаа комбинати босма цехининг матбаа ускуналари созловчиси

Негматов Сойибжон Содиқович — Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги қошидаги «Фан ва тараққиёт» илмий-технология мажмуининг раиси, академик

Пардаев Неъмат — Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри режиссёри

Раҳимов Акбар Мухитович — Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, кулол

Раҳимов Жўрахон Ҳожимирзаевич — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси хонандаси

Раҳимов Ғиёсжон Нишонович — Шоличилик илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Раҳматуллаев Анвар Аброрович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош

Содиқова Бусора Раҳматуллаевна — Наманган вилояти Чортоқ туман қишлоқ касалхонасига қарашли фельдшер-акушерлик пункти мудири

Содиқова Нафиса — «Ўзбекмузей» жамғармаси бўлим мудири

Ташпулатов Абдувахит Ғаниевич — Республика ихтисослашган суяк хасталиги ва жароҳат оқибатларини даволаш илмий маркази директори, тиббиёт фанлари номзоди

Тоиров Маҳмуд (Маҳмуд Тоир) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлимининг масъул котиби, шоир

Турдиев Шерали — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

Файзиева Гулчеҳра Содиқовна — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бўлим муҳаррири

Шарапов Ўткир Боқихонович — Тошкент Педиатрия тиббиёт институти профессори, тиббиёт фанлари доктори

Шарипов Ҳусниддин — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Қосимова Дилбархон — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри

Ғоипов Юсупбой Мамутович — «Зарафшон» ансамбли мусиқа раҳбари

Ҳакимов Акбар Абдуллаевич — Ўзбекистон Бадиий академияси илмий котиби, санъатшунос

Мамлакатимизда жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтиришга катта ҳисса қўшгани ҳамда уларни Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат ғоялари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

I ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Алланиязов Джаримбет — Нукус шаҳар шифохонаси нейрохирургия бўлими мудири

Исоқова Насиба Шоғуломовна — Иккинчи Тошкент давлат Тиббиёт институти 1-клиникаси чақалоқлар касалликлари бўлими шифокори

Кадирова Айбиби — Хоразм вилояти давлат санитария-эпидемиология назорати маркази лаборатория мудири

Каримова Муқаддас Ҳақбердиевна — Самарқанд вилояти Пахтачи тумани марказий шифохонаси болалар бўлими шифокори

Комилова Бахтинисо Зоировна — Жиззах тумани марказий касалхонаси акушер-гинекологи

Олькина Валентина Ивановна — Сурхондарё вилоят туғуруқхонаси акушер-гинекологи

Омонова Ҳалима — Бухоро тумани марказий шифохонаси жарроҳлик бўлими ҳамшираси

Расулов Йўлчиқўзи — Фарғона вилояти Бувайда тумани Марказий шифохонаси бош шифокори ўринбосари

Сувонова Мавжуда — Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бирлашган шифохонаси ҳамшираси

Турдиалиева Маҳкам — Қарши шаҳар болалар мурувват уйи энагаси

Турсунов Амон — Тошкент вилояти Бекобод тумани Ойбек жамоа хўжалиги фельдшер-акушерлик бўлими мудири

Усманхўжаева Дилором — Тошкент шаҳар 1-мурувват уйи энагаси

Усмонов Пўлатхон — Наманган вилояти Чуст тумани марказий шифохонаси реанимация бўлими мудири

Шодиева Санобар Ёқубовна — Республика болалар ижодиёти маркази раҳбари

Қаҳҳорова Санобар Ғаппаровна — Андижон вилояти Эндокринология диспансери шифокори

Ҳамраева Муҳаббат Тошевна — Навоий вилояти Нурота тумани марказий поликлиникаси ички касалликлар бўлими мудири

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаева Шоира Каримовна — Республика олимпия ўринбосарлари билим юрти директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи ўринбосари

Абдуназаров Синдор Мухторович — Жиззах вилояти Бахмал тумани марказий шифохонасининг бош шифокори

Ота-Мирзаев Озод Баба-Мирзаевич — Республика «Ижтимоий фикр» Маркази директорининг илмий ишлар бўйича муовини

Баракаев Раҳматулла — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий котиби, филология фанлари номзоди

Ермишкин Александр Иванович — Самарқанд вилояти олимпия ўринбосарлари билим юртининг самбо бўйича мураббийси

Ицков Рема Исаевич — Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти маслаҳатчиси

Каримова Роза Ниязбековна — «Хива» туристик сайр мажмуи бош мутахассиси

Ландишева Нина Петровна — Навоий тоғ-металлургия комбинати 3-сон тиббиёт қисми поликлиникаси мудири

Маматов Баҳодир — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани спорт қўмитаси раиси

Мамбетмуратова Сапаргуль Ельмуратовна — Нукус шаҳар болалар поликлиникаси шифокори

Маҳмудов Латиф — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Мустаева Земфира Фуатовна — Сурхондарё вилояти сил касалликлари диспансери рентген бўлими бошлиғи

Мустафоев Исмоил Мустафоевич — Бухоро вилояти наркологик диспансери шифокори

Нурмаматова Одинахон Меҳмонхоновна — Андижон вилояти Кўрғонтепа тумани мурувват уйи ҳамшираси

Содиқов Ҳамидулло — Наманган тумани марказий шифохонасига қарашли Қоракўл қишлоқ амбулаторияси шифокори

Туреева Нурия Кудияровна — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи

Усмонова Мамлакатой Мамадалиевна — Фарғона вилояти Данғара тумани марказий шифохонаси туғуруқхона бўлими катта ҳамшираси

Чжен Варвара Сергеевна — Тошкент шаҳар мурувват уйи ҳамшираси

Югай Александр Максимович — Сирдарё вилояти шифохонаси нейротравматология бўлими мудири

Юсупов Ёқуб — Тошкент вилоят ўсма касалликлари диспансери бош шифокори

Мамлакатимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Авдиева Эдда Израиловна — Тошкент сув таъминоти, гидротехника иншоотлари ва муҳандислик гидрогеологияси илмий-текшириш институти лабораторияси мудири

Альмеев Роберт Валиевич — Бухоро давлат музей-қўриқхонаси директори

Аҳмедов Жалол — «Ўзбекфильм» киностудияси овоз оператори

Богодарова Ирина Алимовна — «Ўзбекистон» нашриётининг хорижий адабиётлар таҳририяти бўлим мудири

Вашурин Александр Анатольевич — «Динамо» спорт жамияти раисининг биринчи ўринбосари

Елмуратов Рейимбай — Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпанияси Нукус радиотелемарказининг бўлим мудири

Жўраев Хайрулла Равшанович — Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири

Иосис Игорь Зиновьевич — Тошкент шаҳар «Туркистон» концерт саройи электрон ускуналар хизмати бошлиғи

Касимов Аҳмаджон — «Ўзтелерадио» компанияси хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармасининг «Осиё» таҳририяти бош муҳаррири

Климов Дмитрий Васильевич — Тошкент шаҳар «Халқлар дўстлиги» саройи бош муҳандиси

Мамбеткадиров Абдукерим — Қорақалпоғистон Республикаси болалар сил касалликлари санаторийсининг бош шифокори

Медюлянов Виктор Леонидович — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги камер оркестри дирижёри

Мирбаратов Мирзашариф — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги Дони Зокиров номидаги халқ-чолғу оркестри созандаси

(Давоми 4-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 3-бетда)

Мурзин Ренат Равильевич — Ангрен шаҳар болалар шифохонаси реанимация бўлими мудири

Муслимов Марат Имамович — «Ўзтелерадио» компанияси бош телеоператори

Муҳамедов Шавкат (Шавкат Мирзаев) — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси созандаси

Мягкова Нина Ивановна — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

Носова Ольга Михайловна — Фарғона шаҳар болалар мурувват уйи энагаси

Одилов Асатулла Ҳакимович — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги хор жамоаси хонандаси

Серекеев Базарбай — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

Сержанов Кенесбай Жумабаевич — Ж.Шомуротов номидаги Нукус давлат санъат билим юрти ўқитувчиси

Солиҳова Ҳанифа — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Тақташ Рафаил Хадиевич — Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти етакчи илмий ходими

Турсунбоев Сотимбой — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институти профессори

Тюриков Владимир Иванович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Шакирова Наталья Александровна — «Правда Востока» газетасининг Самарқанд вилояти мухбири

Шатрова Клавдия Сергеевна — Ўзбекистон Миллий университети илмий кутубхонаси директори

Шевченко Вячеслав Петрович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

Шодиев Наримон Исмоилович — «Ўзбекфильм» киностудияси овоз оператори

Шодмонов Ғайрат Қосимович — «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси кинорежиссёри

Ғаффорова Замира — «Лазги» ансамбли раққосаси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, ёш авлод онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, уларни Ватанга, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдумавлянова Венера Шокировна — Иккинчи Тошкент давлат Тиббиёт институти илмий-ахборот кутубхонаси бўлим бошлиғи, кимё фанлари номзоди

Абдушукурова Гулнора Аҳмедовна — Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги бош мутахассиси

Алимов Абдуазим — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» телеканали бош муҳаррири

Арифханова Маҳбуба Азамовна — Тошкент шаҳар ўсмирлар соғлиғини тиклаш марказининг бош шифокори

Аҳмедов Номоз — «Қашқадарё» газетаси бўлим мудири

Аҳмедов Рафиқ Махсудович — Қўқон шаҳар 1-маданият уйи раҳбари

Аҳмедов Саидамин Саидғаниевич — «Шарқинтур» масъулияти чекланган жамият директори

Бекназаров Жуманазар — Тошкент Педиатрия тиббиёт институти доценти

Бобоева Кубаро — Бухоро вилоят «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, кулол

Бобожонова Фарида Тўйчиевна — «Овози тожик» газетаси корректори

Видонова Валентина Алексеевна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри либос тикувчиси

Давлетов Эргашбек Гаппарович — Тошкент шаҳар эркаклар мурувват уйининг кичик тиббий ходими

Егоров Михаил Юрьевич — «Народное слово» газетаси масъул котиби

Ёқубова Ойхон — Тошкент шаҳар «Гавҳар» фольклор-этнографик ансамбли раҳбари

Жабборов Шамсиддин — Самарқанд вилояти Жомбой тумани марказий шифохонаси тез тиббий ёрдам бўлими фельдшери

Жадигерова Гаухар — «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли раққосаси

Жолдасова Ольга Григорьевна — «Тафаккур» журнали бадиий муҳаррири

Жумабоева Рысгул Бозоримбетовна — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси «Ёшлар» радиоканали бўлим мудири

Жуманазаров Обиджон — «Ишонч» газетасининг Наманган вилояти мухбири

Жўрабоев Равшан Аҳмедович — «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни газета цехи чоп этувчиси

Зоитов Патхулла Эргашевич — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» телеканали бош режиссёри

Иноғомова Саида Икромовна — Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг нашриёт бўлими етакчи мутахассиси, география фанлари номзоди

Ирисхўжаева Соҳиба Холматовна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

Ирматов Рустам Мамажонович — «Узинтур» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси

Искандарова Мукаррам Ражабовна — Бухоро вилояти Когон тумани босмахонаси ҳарф терувчиси

Исмаилова Пазоат Лутпуллаевна — А.Султонов номидаги Кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими

Исматуллаева Муҳаррам Надирхановна — Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти маслаҳат поликлиникасининг мудири, тиббиёт фанлари номзоди

Исмоилов Менғқобил — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани «Чанқовуз» фольклор-этнографик ансамбли лапарчиси

Калошин Владимир Николаевич — «Ватанпарвар» газетаси бўлим муҳаррири

Кенжаев Анвар — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

Ким Клара Александровна — Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг етакчи мутахассиси

Кичкинаходжаев Собир Садикович — «Ўзтелерадио» компанияси бош дирекцияси овоз режиссёри

Куббасова Алла Борисовна — «Ферганская правда» газетаси бўлим муҳаррири

Кузибаев Зокиржон Шарифович — «Ўзтелерадио» компанияси ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар таҳририяти сиёсий шарҳловчиси

Ли Галина Григорьевна — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти катта ўқитувчиси, рассом

Мавлонов Элмурод — «Сирдарё ҳақиқати» — «Сырдарьинская правда» газеталари масъул котиби

Магруфов Эмиль Аҳрорович — Фан ва техника давлат қўмитаси илмий ташкилотларининг истиқболларини белгилаш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, техника фанлари номзоди, доцент

Мансуров Бахтиёр Ходжаевич — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг маҳаллий ахборот таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари

Маҳмудов Голиб Насимжанович — Тошкент Автомобиль йўллари институти кафедра мудири

Мақсудова Насиба Муротовна — «Ўзтелерадио» компанияси «Ассалом, Ўзбекистон» кўрсатуви шарҳловчиси

Мирзаева Малика — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Мисин Борис Иванович — Тошкент давлат оперетта театри актёри

Муратходжаев Махсудходжа — Тошкент шаҳар 11-сонли оилавий поликлиникаси шифокори

Назаров Бахтиёр Мамадович — «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Нарзуллаев Холбой Умарович — Сирдарё тумани ижтимоий таъминот бўлими мутахассиси

Нишонов Мирзакомил — «Андижоннома» газетаси бўлим муҳаррири

Носиров Ўткир Фатидинович — Навоий давлат Кончилик институти кафедра мудири, техника фанлари номзоди, доцент

Отаев Раҳимжон — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби

Пазылов Арзы Кенжабаевич — Нукус давлат Педагогика институти доценти, педагогика фанлари номзоди

Парпиев Фахриддин Ражабович — «Жаҳон» ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари

Приходько Зоя Ивановна — «Ўзтелерадио» компанияси пардозлаш гуруҳи раҳбари

Раупов Сирожиддин Пўлатович — «Инсон ва қонун» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Рахмонқулов Абдуллажон — «Жиззах овози» газетаси бўлим муҳаррири

Рахмонқулов Тўра Раимович — Сурхондарё вилоят босмахонаси компьютер бўлими оператори

Рашидов Шуҳрат Комилович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси масъул котиби, кулол

Раҳимова Гулчеҳра — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Раҳмонов Абдувоҳид — «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси Наманган вилоят бўлими бошлиғи

Ризаев Наврўз Ибодуллаевич — «Ўзтелерадио» компанияси «Таҳлилнома» кўрсатуви муаллифи ва бошловчиси

Сабиржанов Набижон — «Ўзтелерадио» компанияси бош дирекцияси эфирга узатувчиси

Сайдалиева Басира Акрамовна — «Оила ва жамият» газетаси мухбири

Сайдахмедов Равшан Халходжаевич — Тошкент давлат Авиация институти кафедра мудири, техника фанлари номзоди, доцент

Сайдимов Якуббай Атабоевич — Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик лицей физика-информатика кафедраси мудири, физика-математика фанлари номзоди

Саломатина Тамара Михайловна — «Ўзтелерадио» компанияси «Ахборот» дирекцияси шарҳловчиси

Сатторов Азамат Нашпандович — Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри бош режиссёри

Сафаров Бекмурод Юсупович — Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани маданият уйи бадиий раҳбари

Сафаров Бобомурод Холович — Бухоро вилояти Жондор тумани марказий шифохонаси юқумли касалликлар бўлими мудири

Сафаров Каримжон — Хоразм Маъмун академияси раиси ўринбосари, биология фанлари доктори, профессор

Сейдаҳметов Омонгелди — «Нурли жол» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Слободкин Андрей Адольфович — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» телеканали телеоператори

Солихова Наима Ғозибоевна — Тошкентдаги биринчи босмахона муқовалаш цехи бошлиғи

Тимирова Ўлмасхон — «Ўзбекфильм» киностудияси фильм монтажчиси

Тожибоев Мансур — Наманган вилояти Чуст шаҳар маданият ва истироҳат боғи ходими

Тожибоев Муса Тожибоевич — Жиззах тумани ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи ўринбосари

Тожибоев Содиқжон Солижонович — Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани «Давр» газетаси муҳаррири

Турдимов Шомирза Ғаниевич — «Соғлом авлод учун» журнали бўлим муҳаррири

Турсуналиев Комил — Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейи илмий ходими

Турсунов Жўракул — Халқаро кураш федерацияси қошидаги кураш академияси президенти, биология фанлари доктори, профессор

Тўхтаев Маннон Отабоевич — «Фидокор» газетасининг Бухоро вилояти мухбири

Умарова Нигора Тельмановна — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» телеканалининг «Эркин фикр» кўрсатуви муаллифи

Усманова Зуҳро Октамовна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош муҳаррирининг ўринбосари

Усмонова Умида Гофуровна — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» телеканали катта муҳаррири

Ҳамракулов Ҳазратқул — Жиззах давлат Политехника институти катта ўқитувчиси

Ходжаева Бекпошша Ишчановна — Хоразм вилоят телерадиокомпанияси катта муҳаррири

Хожиқўзиева Ҳабибахон — Андижон вилояти Чувама мурувват уйи ҳамшираси

Хасанов Ширин Сайдаҳмедович — Самарқанд вилояти Иштихон туман марказий шифохонаси жарроҳи

Шарипов Соат — «Ўзтелерадио» компанияси бош дирекцияси катта муҳаррири

Шатерников Эрнест Константинович — Ўзбекистон давлат Жисмоний тарбия институти кафедра мудири, фалсафа фанлари номзоди, профессор

Шохизиров Джаббор Шохизирович — Тошкент шаҳар 17-сон шифохонаси жарроҳлик бўлими мудири

Шоюсупов Юлқун Собирович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси поликлиникаси бош шифокори

Шоҳимардонова Шохида Алиевна — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, бастакор

Эрматов Ҳусан Тоҳирович — «Ўзтелерадио» компанияси «Сиёсат» таҳририяти бош муҳаррири

Эрҳўжаев Тўрахўжа Ҳасанович — «Қадрият» газетаси бош муҳаррири

Юсупова Маҳбуба — Тошкент вилояти «Янгийўл» газетаси масъул котиби

Янгибоев Абдуҳамид — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани маданият уйи қошидаги «Булбулиғўё» фольклор-этнографик ансамбли бахшиси

Ўроқов Ваҳобиддин Зиёдуллаевич (Ваҳобиддин Зиё) — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» радиоканали гуруҳ раҳбари

Ўроқова Сайёра — Навоий вилояти Қизилтепа тумани марказлашган кутубхона тизими бошлиғи

Ўтаев Рўзи Қиличевич — Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари Жисмоний тарбия спорт жамияти раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

Қамбарова Шарофатхон — Ўзбекистон Бадиий академияси мутахассиси, санъатшунос

Қобулов Абдуқаҳҳор Бобожонович — Андижон вилояти илмий-универсал кутубхонаси директори

Қодиров Абдурауф Мамараимович — «Ўзтелерадио» компанияси Сурхондарё вилояти мухбири

Қосимов Ҳайдарали Саидалиевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри режиссёри

Куронов Муҳаммад — Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим мудири, педагогика фанлари доктори

Ҳотамов Одилқул — Навоий вилояти Кармана тумани «Кармана ҳаёти» газетаси муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август

ТИББИЁТ САНИТАРИЯ БИРЛАШМАСИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАЛАРИ

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакилларини Истиқлолимизнинг тўққиз йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади! «Соғлом авлод йили»да келажагимиз бўлган ёшлар ва барча фуқароларнинг соғ-саломат бўлишлари учун биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан бахтиёрмиз.

ТЕРРОРИЗМ — ЯНГИЛИК ДУШМАНИ, ХДП ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ АЁВСИЗ КУРАШАДИ

Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида ўтказилган фракция аъзоларининг йиғилиши худди юқоридаги фикрларга ҳамоҳанг бўлди, десак хато қилмаймиз. Кун тартибидаги масалаларнинг қўйилишига эътибор беринг:

1. Халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисида.

2. III сессия кун тартибига киритилган бошқа қонун ва масалалар.

Ҳақиқатан бугун инсоният терроризм ҳуружидан кўп азият чекмоқда. Афсуски, террорнинг географик чегараси йўқ, уни бир минтақа, бир давлат ҳудудига қамаб бўлмай қолди. Жанубий сарҳадларимизда рўй бераётган воқеалар ҳам шуни кўрсатмоқда.

— Мен Узун туманидан сайланганман, — дейди Олий Мажлис депутати **Бўритош Шодиева.** — Яқинда Узун ва Сариосиёда бўлиб қайтдим. Халқнинг жангариларга, террорчиларга бўлган нафратини ўз кўзим билан кўрдим. Жангарилар суқилиб кирган жойдан кўчирилган аҳоли билан ҳам учрашдим: Улар мана бу гапларни бутун республикага айтишимни тайинлашди. Уларнинг миллати йўқ,- дейишди улар. — Уларда ватан йўқ. Халқимиз огоҳ бўлсин. Биз жангариларни изғиб юришганда бирорта геолог ёки альпинист деб ўйлаганмиз. Оқибатда мана, эътиборсизлигимиз туфайли ўз қишлоғимиздан бу ерга кўчиб турибмиз. Огоҳ бўлинглар, ғафлат бор жойга душман келади. Ривожланиш, янгилик бор жойга террор ҳужум қилади. Террор янгилик, тинчлик душмани. У билан муроса қилган Ватанини, тинчлигини йўқотади.

— Айниқса, биз оналар бу ҳуруждан кўпроқ ранжидик. Дунёда ҳар бир одам борки, террор билан, ёвузлик билан муроса қилиб ўтирмайди. Мен водий халқи ичидан чиқиб келдим. Уларнинг босқинчиларга нафратлари чексиз. Сессия кун тартибига қўйилган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига ҳатто ўз таклифларини наказ тарзда беришди. Улар террорчиларга қарши қонунда қаттиқ жазо белгиланишини хоҳлашаяпти. Ҳақиқатан террор билан юмшоқ гаплашиб бўлмайди-да,— дейди Олий Мажлис депутати, қўқонлик **Замира Охунова.**

— Биз бюджет сарф-харажатларини кўраётганимизда ҳарбий соҳага кўпроқ эътибор қаратишимиз керакка ўхшайди, — 227-Муборак округидан сайланган депутат **Нуриддин Зайниев**нинг фикри шундай. — Сариосиё ва Узун туманлари ҳудудида, Бурчмуллада рўй берган воқеалар шуни кўрсатаяпти назаримда. Чунки терроризм бугун ҳудуд билмай қолди. У кутилмаган вақтда чанг солиб қолиши мумкин экан. Бундай ҳуружларга эса ҳамиша тайёр туриш керак. Давлатимиз ҳарбий қудратини янада ошириш лозим. «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» ги қонун бундай разил йўлга қонуний тўсиқ қўяди. Ва унга яхшигина зарба беради ҳам. Ахир терроризмни бир ҳудуддан эмас, бир мамлакатдан эмас, ер юзидан қувғин қилиш керак.

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ тайёрлади**

НАШР

«ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ»

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси «Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси» китобини нашрдан чиқарди. Китобда Олий Мажлис Кенгаши, қўмита ва комиссиялари ҳамда депутатлар ҳақидаги барча маълумотлар баён этилган.

■ **Марказий сайлов комиссияси Матбуот гуруҳи**

ЭЗГУЛИКНИНГ ИЗИ ГУЛ

Халқимиз бежиз айтмаган: эзгуликнинг изи гул деб. Шу боис, Пахтачи туман ҳокимлиги томонидан маҳалла-гузарларни обод қилиш борасида олиб борилаётган ишлар шу эзгуликнинг бир нишонасидир. Бундан ташқари, туманда касб-ҳунар мактаби қайта таъмирланиб, 750 ўринли қурилиш коллежи ёшларимизга туҳфа қилинмоқда. Унга 241 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, туманнинг узоқ «Қирқ қиз» тоғ этакларида жойлашган «Қарнаб» қишлоғининг 6 мингдан зиёд аҳолиси учун «Дам Хўжа» магистрал сув қувуридан тоза ичимлик суви келтирилди.

— «Зафар-Осиё» масъулияти чекланган жамият томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилаётган «Кемпинг» мажмуаси эса хорижий меҳмонларга сайёҳлик хизматини кўрсатишга мўлжаллангандир. Бу гўзал, замонавий иншоот вилоят ҳудудида ягоналиги билан ажралиб туради, — дейди туман ҳокими Эшбой Умматов.

Рўзиқул Маҳманов номли ширкат хўжалигида 50 ўринли қишлоқ тиббиёт маскани ишга туширилмоқда. 4, 34, 42- мактабларда қўшимча 15 та янги синф хоналар очилиши ўқувчиларга фақат қулайликлар яратади. Қисқаси, Пахтачи истиқлол туфайли гўзаллашиб бормоқда.

■ **Ўткир ПЎЛАТОВ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Мустақилликнинг 9 йиллик байрами муносабати билан ўзбек халқини ва банк мижозларини самимий муборакбод этади!

Қадимий ва айни пайтда навқирон Ўзбекистонимизда тўққиз йил ичида улкан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар амалга оширилди. Кўҳна тарих учун қисқа муддат ичида эришилган ютуқларда Халқ банки жамоасининг ҳам муносиб улуши борлиги билан фахрланамиз. Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш йўлида бундан буён ҳам камарбасталик қилаверамиз. Мижозларга хизмат кўрсатишнинг янги, самарали усулларини излаб топиш, одамларга қулайликлар яратиш йўлидан бораверамиз.

9

1991 – 2000

Мустақиллик айёми муборак, азиз ватандошлар!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ ҚУЙИДАГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ:

- талаб қилиб олгунча;
- кўрсатувчига бериладиган омонат;
- муддатли омонатлар:
  - 1 йилдан 3 йилгача;
  - 3 йилдан 5 йилгача;
  - 5 йилдан юқори;
- болалар мақсадли омонати;
- муддатли кўрсатувчига бериладиган омонат;
- «Даромад» омонати;
- хорижий валютадаги (АҚШ долларида) омонат турлари:
  - талаб қилиб олгунча;
  - муддатли омонат;
- «Омад» пул-ютуқли омонати;
- «Жамғарма» пул-ютуқли омонати;
- «Ишонч» қисқа муддатли депозит омонати.

ХАЛҚ БАНКИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАСИ БЎЛИШНИ ХОҲЛАГАНЛАР УЧУН «АБИТУРИЕНТ» МАҚСАДЛИ ОМОНАТИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Мазкур омонат тури Сизга олий ва ўрта махсус ўқув юртларига шартнома асосида ўқишга кириш учун кредит олиш имкониятини яратади.

Сиз омонатга энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан кам бўлмаган миқдорда маблағ қўйиб — олий ўқув юртларига, энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан кам бўлмаган миқдорда маблағ қўйиб — ўрта махсус ўқув юртларига шартнома асосида ўқишга кириш учун кредит олиш имкониятига эга бўласиз.

Омонатни нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан омонатчининг ўзи ёки унинг ишончли вакили томонидан очилиши ва қўшимча бадалларни кирим қилиш миқдорлари чегараланмаганлиги Сизга қулайликлар яратади.

Халқ банкининг янги «Абитуриент» мақсадли омонати фарзандларимизнинг мустақил ҳаётга қадам қўйишидаги энг ишончли таянчидир!

Халқ банки ёш ватандошларимизнинг келажагини яратишда ота-оналарнинг энг яқин кўмакдоши бўлишга доим тайёр!

Қўшимча маълумотларни Сиз Халқ банкининг исталган туман ва шаҳар бўлимларидан ҳамда қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:

173-86-80, 173-89-36.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон аҳолисини ва ўз акциядорларини улуғ айём — Мустақилликнинг 9 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилинган кундан бошлаб ўтган тарихий қисқа давр ичида мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда катта ишлар амалга оширилди, бунда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ҳам муносиб улуши борлигидан мамнунмиз, олдимизда эса янада улуғвор ишларни рўёбга чиқариш турибди. Шу ишларни амалга оширишда барчангизга куч-қувват, улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Мавриди келганидан фойдаланиб, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг номинал қиймати 1500 сўм бўлган жами 1,5 миллиард сўм миқдордаги акцияларнинг янги учинчи эмиссияси муомалага чиқарилганлигини маълум қиламиз.

«ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ-ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ



Ўзбегимда илиқ бир нафас бор: бошинг узра Ватан бўлсин, дея дуо қилади. Ҳикматнинг таъбири шуки, юртимиз тинч, барқарор бўлса, Ватан ичидаги ватан, яъни уйимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм суради. Халқимиз эса бунёдкорлик оғушида саъй-ҳаракатларга бел боғлайверади. Тили билан дили бир халқимиз мана тўққиз йилдирки, ўзлигини англаб, тараққиёт йўлида собит турибди. Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллик шарофатидан баҳраманд. Жамоамиз ҳам қутлуғ айём дастурхонининг файзли ва кўркам бўлиши учун ҳаракат қилди. Маҳсулотимиз сифатининг жаҳон андозаларига мослиги халқаро кўрик-танловларда ўз ифодасини топмоқда. Қуёшда тобланиб, бол йиққан неъматлардан тайёрланган маҳсулотларимиз дунёвий эътироф этилмоқда.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!
УЛУҒ ВА ҚУТЛУҒ БАЙРАМ МУБОРАК!
КЕЛАЖАГИ БУЮК ВАТАНИМИЗ ТИНЧ, ХАЛҚИМИЗ ОСОЙИШТА БЎЛСИН!

«ТошкентВино» ОТАЖ комбинати жамоаси

«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС»

ДАВЛАТ УЮШМАСИ ЖАМОАЛАРИ

Буюк келажак сари шаҳдам одимлаётган Ўзбекистонимизнинг барча фуқароларини Истиқлолимизнинг тўққиз йиллик байрами билан қизғин ва самимий муборакбод этади!

Оллоҳнинг назари тушган бу ўлкада инсон бахт-саодати йўлида кўп имкониятлар яратилмоқда. Бизнинг кўп минг кишилик жамоаларимиз озод ва обод юрт фуқароларига хизмат қилишга жалб этилган. Шу боис ҳам икки ярим миллион аҳоли яшайдиган пойтахтимиз йўловчиларига транспортда маданий хизмат кўрсатишни ўз бурчимиз, деб биламиз. Бугунги кунда Чехияда ишлаб чиқарилган ажойиб трамвай ва троллейбуслар, Германия автобуслари йўловчилар хизматида. Айниқса, «УзОтайўл» автобуслари кўпайиб бораётганлиги қувончлидир. Тошкент метрополитенининг янги йўналишлари қурилиши ҳам ниҳоясига етиш арафасида. Эндиликда биз мавжуд транспорт воситаларини ўзимизнинг корхоналаримизда таъмирлашни йўлга қўйдик.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!

ТУРМУШИМИЗ ФАРОВОН, ЙЎЛЛАРИМИЗ РАВОН БЎЛСИН!

МУСТАҚИЛЛИК МУШОИРАСИ

Фарида АФРЎЗ

ВАТАН

(ҚАСИДА)

Тўғриси, сен ҳақда шеър битмоқ азоб,
Қирқ беш йил инградим жимжит, беитоб,
Пойингга йиқилдим чечакдек шу тоб,
Сочларим гуллатган бир оқсан, Ватан!

Байроғинг бир бора ўполганим йўқ,
Мадҳингни ёд билмам — уқолганим йўқ,
Кўнглимни, меҳримни тўколганим йўқ,
Жонимсан, жонимда бир оҳсан, Ватан!

Бирор бор урушда қатнашолмадим,
Ҳали бир душманни қақшатолмадим,
Жаҳонда ҳеч юртга ўхшатолмадим,
Кўзларим нурисан, қароғсан, Ватан!

Баъзан ишим юрмас, хору хазонмен,
Баъзан шоду комрон, баъзан гирёнмен,
Дунё бир ён эрур, мен ҳам бир ёнмен,
Нима топган бўлсам огоҳсан, Ватан!

Омадим келмаса, сенда не гуноҳ,
Не ажаб, бошимда тожу гоҳ кулоҳ,
Лабда гоҳ табассум, гоҳ бўғизда оҳ,
Томирим титратган титроқсан, Ватан!

Келдик, бир ниҳолинг жуфт айладикми?!
Ё ханжар, ё қалам, тиғ қайрадикми?!
Рост узра ёлғонни ямламадикми?!
Сен бунга кафилсан, сўроқсан, Ватан!

Ер юзи турфа ранг сеҳрга тўла,
Иста, етти осмон-фалакни бўйла,
Хоҳ «Дугоҳ», хоҳ «Сегоҳ», «Чоргоҳ»ни куйла,
Сен—ҳофиз, сен — мутриб, машшоқсан, Ватан!

Гарчи шеърлар битдик, гоҳ баланд, гоҳ паст,
Гоҳ куйладик маҳзун, гоҳида сармаст,
Ижобат бўлгайми илтижо — нафас,
Шеърсан, таронасан, туроқсан, Ватан!

Отамнинг бошида қайрағочларим,
Кўқонда — Жомъеда синч, оғочларим,
Шоирим, валийим, ялавочларим,
Тупроғим ичинда тупроқсан, Ватан!

Карбало хокининг тўзонинда сен,
Муслиму мухсиннинг фиғонинда сен,
Шоҳларнинг, пирларнинг жон жонинда сен,
Фурқатим, ғурбатим, фироқсан, Ватан!

Онамга айланган тутларинг ҳаққи,
Камларинг, кўстларинг, бутларинг ҳаққи,
Туморинг, дуторинг, удларинг ҳаққи,
Балою қазодан йироқсан, Ватан!

Адл тулпорига жиловдор бўлдинг,
Дашту саҳро бўлдинг, хору зор бўлдинг,
Гоҳи ғолиб бўлдинг, гоҳи хор бўлдинг,
Гўштларин зоғ еган Широқсан, Ватан!

Милтираб-милтираб бир кун сўнармиз,
Яхши ё ёмонга бир кун кўнармиз,
Мақсад, мозорларинг ичра дўнармиз,
Байтул хазанларда чироқсан, Ватан!

Меҳримнинг тахтида мизғиган болам,
Кўнгил бешик ичра, бешикда жон ҳам,
Сени болам дея бағримга олсам,
Бағримда абадий уйғоқсан, Ватан!

Товоним тагида сойларинг бийрон,
Ҳар нигоҳ, ҳар қадам боғларинг ларзон,
Тоғларинг, даштларинг чамандир ҳар ён,
Жаннатим, Кавсарий булоқсан, Ватан!

Нодира, Увайсий ҳасратлар дилда,
Ҳувайдо, Ҳазиний ҳазратлар дилда,
Қуръону ҳадису ҳайратлар дилда,
Томирда — қонимда тўлғоқсан, Ватан!

Чумоли жонида бир нукра ундир,
Бу замин, бу замон гарчи кукундир,
Фақат сен борсанки тўкис бутундир,
Замину замондан огоҳсан, Ватан!

Этни ажратолмас ҳеч ким тирноқдан,
Мангу озоддирмиз қуллик-қийноқдан,
Юзимизни чайдик Кавсар булоқдан,
Этсан, сўнгакдирсан, тирноқсан, Ватан!

Турон тупроғида ёвқур ва ёвар,
Бугун бор, эрта ҳам борсан муқаррар,
Мен сени дегайман Маҳшарга қадар,
Маним кўнглим ўзинг, янгроқсан, Ватан!

Макка манзилларинг кўзлаган жонмен,
Чўли Ироқ ичра «Чўли Ироқ» мен,
Оломон ичрамен, яккамен, тоқмен,
Кўнгилнинг Каъбаси — даргоҳсан, Ватан!

Йўлдош СУЛАЙМОН

БУНДАЙ КУНДА СЎЗЛАМОҚ КЕРАК

«МУСТАҚИЛЛИК ИЛҲОМИ» ТУРКУМИДАН

Кимдир сўзлар уриб кўксига,
Ёлғонлардан кимдир ўксинган.
Ёзаберар мард ҳам, номард ҳам,
Ким Ватанга бўлолган малҳам?!
Шу саволдан яйраб кетяпман,
Беихтиёр сайраб кетяпман:
Босадиган изим ҳам қатъий,
Эътиқодда ўзим ҳам қатъий!
Хаёлимда нурли манглайман,
Кимларгадир ўзни тенглайман.
Кўз олдимдан ўтар устозлар,
Уларга бор дилимда розлар.
Кўтарилса ўртадан парда,
Дилимдагин айтсам агарда —
Юртбошимнинг сўзи мисоли:
Шижоатда ўзи мисоли:
Куйиб-ёниб яшамас бўлсам,
Ўша онда, майлига, ўлсам!
Бундайин кун тушмайди бошга,
Муҳаббатим урилмас тошга.
Эй, сен, Ватан тириклигимсан.
Майда эмас, йириклигимсан.
Қучоғингда эркаланганман,
Ишқинг ичра мен ҳам ёнганман.
Таърифингнинг йўқдир алоғи,
Қону жоним сенга салаға!
Бахтиёрдир меҳрини қўйган,
Деяпману ботаман ўйга:
Ватан-Ватан, дейишим яхши,
Унинг ғамин ейишим яхши.
Аммо кеча қандай элим мен,
Ва ниманинг ғамин едим мен?
Кулгилидир тил билан юрмак,
Сўзим асло бўлмасин эрмак!
Эслайманми қуллик онимни,
Асраганман нега жонимни?!
Тилимизни четлатишганда,
Қандай оғриқ сезганман танда?!
Нега йўқдир Қодирий қабри,
Қайга етди Фитратнинг сабри?!
Қатағонлик кечди не учун,
Шундан чўққа айланган ичим!
Ўйлаб кўрсам баландроқдаман,
Гоҳ боғдаман, гоҳо тоғдаман.
Тушмоқ керак бундай ҳовурдан,
Яшаганман ўша даврда!
Юрагимда бўлса-да дардим,
Буюрилган ишни бажардим!
Коммунист ҳам бўлганман ўзим,
Нега энди қизарар юзим?!
Муҳаббатим ортар маънига,
Қизилларнинг тегирмонига —
Сув қуйганлар ичра йўқмидим,
Ўшанда ҳам шундай чўғмидим?!
Юқтирмасдан ўзига гарддар,
Жонимизга жон бўлган мардлар.
Менинг даврим — тилсизлар даври,
Руҳи синиқ дилсизлар даври —
Яхшиямки бузилиб кетди,
Занжирлари узилиб кетди,
Ало бўлди таг-тагдан нураб,
Биз аввало қолдик довдираб!
Кўзимизни очди Юртбошим,
Қад ростлади қайтадан дошим!
Бундай онда сўзламоқ керак,
Бўзлаш бўлса, бўзламоқ керак.
Гуноҳ бўлса, ювмоқлик зарур,
Уни ўзлан қувмоқлик зарур!
Кураш қўлни етказар бахтга
Армонларим айланди аҳдга!
Тайёрига айёр бўлмасман,
Шунинг учун, энди ўлмасман.
Юрагимда ишқий ҳаяжон,
Истиқлолга фидо этиб жон,
Равшанлашиб боряпти онгим,
Оқаришиб кутяпти тонгим.
Тарих бўлиб қолди қуллигим,
О, жонгинам, мустақиллигим,
Сен билдирдинг ўзни ўзимга,
Ҳар бир инсон энди кўзимга —
Кўриняпти тенгма-тенг бўлиб,
Йиллан йилга қудратга тўлиб,
Мана етиб келдик тўққизга,
Ё сарбоним, тонг аро Сизга —
Ёндирувчи қўшиқ ёзгим бор,
Раҳматимни қўшиб ёзгим бор.
Тенгсизликни тупроққа қориб,
Манқуртликдан бизни қутқариб,
Дарвозалар очиб жаҳонга,
Эриштириб ўзбекни шонга,
Яшаяпсиз ҳамон оромсиз,
Саховатда сахий оламсиз.
Томиримда жўш урар қоним,
Душманингиз—менинг душманим.
Эшитилди бир нохуш сало,
Ватани йўқ ёллаган гало —
Юртимизга суқмоқчи бошин,
Уни янчар адолат тоши,
Дайди итдай ўлиши аниқ!
Оилам тинч, чироғи ёниқ!
Ҳеч ким энди қазолмайди чоҳ,
Тинчимизни бузолмас ногоҳ.
Иқболимиз Сиз бошлаган роҳ,
Ўзим огоҳ, бутун халқ огоҳ!

Мирпўлат МИРЗО

БУ КУНЛАР

Йиллар ўтиб, шу буюк элда
Ўз баҳосин олар бу кунлар.
Ҳурман деган ҳар битта дилда
Ўз созини чалар бу кунлар!

Шафақ ёнар уфқда ял-ял,
Биз тонгларни кутамиз маҳтал,
Энг ёруғ тонг — Истиқлол, аввал
Сени ёдга солар бу кунлар!

Қайтмас энди қуллик, ҳасрат, оҳ,
Элим бунга ўзингсан гувоҳ,
Юрт сурурин кўрибми, гоҳ-гоҳ
Ҳаяжондан толар бу кунлар!

Набиралар кўзида ҳавас,
Энтикарлар эслаб бир нафас...
Бизлар учун шунинг ўзи бас—
Тарих бўлиб қолар бу кунлар!

Барот ЯРАШ

ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК

Еру кўк билан тенг эркнинг бўйи,
Эркнинг бўйи тенгсиз чексизлик қадар.
Шундан қадри унинг осмондек баланд,
Шундан шаъни унинг юксак нақадар.

Халқим, токи эркинг қўлингда экан,
Нурдек кенгликларга ёярсан қанот.
Гиркўкнинг ёлидай нурда товланар
Ўзбекистон деган, ўзбек деган от.

Халқим, токи эркинг қўлингда экан,
Умринг узун бўлар Қуёш нуридай.
Эркнинг бўйига тенг ер ҳам, осмон ҳам,
Бўйинг ҳавасида яшар пайдар-пай.

Истагим: эрк ўйи бўйинг бўйласин,
Озод туйғуларинг дилни этсин лол.
Қуёшдек руҳингда балқисин мудом,
Сени чўққиларга элтар Истиқлол!

Умида АБДУАЗИМОВА

БОБОЛАР ЮРТИ

Боболар юрти бу,
Боболар
қадрин бил, кўзга сурт хокини.
Болалар юрти бу,
Болалар
чироғин ёқажак ҳокими.

Оламлар юрти бу,
Оламлар
меҳрини ошириб яшайди.
Узилмас экан шу қаламлар,
Юрт доим ёшариб яшайди.

Яшайди тупроғим тозариб,
Бағрида авайлаб зурёлин.
Ўткинчи ўтинчлар озариб,
Эшитмай Искандар фарёдин.

Шоҳларнинг қўллари кетди бўш,
Топганин топшириб ўзига.
Дунёга демасдан хайр-хўш,
Қулоқ сол ҳокимлар сўзига.

Боболар юрти бу,
Боболар
қадрин бил, кўзга сурт хокини.
Болалар юрти бу,
Болалар
чироғин ёқажак ҳокими...

Гулчехра БЕНАЗИР

ЮРТ СЕВГИСИ

Хомтама бўлмасин ватангадолар,
Номардга шафқат йўқ, тирик қўймайман.
Энди қайтарилмас ўтмиш — хатолар,
Ватанни ҳеч кимга бериб қўймайман.

Мен учун яқину йироғи азиз,
Қумлик, саҳросию қишлоғи азиз.
Ҳаттоки бир сиқим тупроғи азиз,
Чаманни ҳеч кимга бериб қўймайман.

Жаннатга андоза бу она-ерим,
Довруғи жаҳонга афсона ерим.
Тўкилли даламда пешона терим —
Пахтамни ҳеч кимга бериб қўймайман.

Темурбеклан мерос бебаҳо маскан,
Унда Тўмарису Широқлар ўсган...
Барчани болам деб бағрига босган,
Отамни ҳеч кимга бериб қўймайман.

Оламмас, сотса ким элдошларини...
Охират оқизар кўз ёшларини...
Ер ютади Тоҳир Йўлдошларини...
Ватанни хонга бериб қўймайман.

Келажак меники, имкон меники,
Озод ва жонажон макон меники.
Шубҳасиз, ажойиб даврон меники,
Шу дамни ҳеч кимга бериб қўймайман.

Носиржон ДЕҲҚОН

КЎЗЛАРИМНИНГ НУРИСАН

Ўзинг кўзларимни нурисан,
Юрагимнинг мадор-қўрисан,
Сўзларимни гавҳар-дурисан,
Жонларингга жон бўлай, Ватан,
Шаънингдаги шон бўлай, Ватан!

Ишон, кўзу қароғинг ўзим,
Ҳикмат битган варағинг ўзим,
Қалқонингман, яроғинг ўзим,
Жонларингга жон бўлай, Ватан,
Шаънингдаги шон бўлай, Ватан!

Минг-минг йиллик кечмишим гувоҳ,
Сендан кечмоқ — энг оғир гуноҳ,
Элинг уйғоқ, юраклар огоҳ,
Жонларингга жон бўлай, Ватан,
Шаънингдаги шон бўлай, Ватан!

Қўлимдаги қаламмас, қурол,
Сенга ким ёв, етказгум завол,
Гуллаб-яшнаб топавер камол,
Жонларингга жон бўлай, Ватан,
Пок шаънингга шон бўлай, ВАТАН!

Тошкент шаҳри Чилонзор туманида жойлашган «TARIM DARYOSI» хусусий фирмаси фаолияти
ТУГАТИЛАДИ.
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб, икки ой муддат ичида 186-69-09 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ
2000 ЙИЛ 29 СЕНТЯБРЬ, 13 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ СОАТ 10⁰⁰ ДА КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.
Савдога қуйидагилар қўйилади:
Иккита ишлаб чиқариш модули, майдони 900 кв. метрдан, ҳар бирининг бошланғич нархи — 5 250 240 сўм;
«Кара» русумли ёғочни қайта ишлаш машинаси, бошланғич нархи — 3 000 000 сўм;
Автотранспорт воситалари:
«ММЗ-555» русумли, бошланғич нархи — 190 000 сўм;
«Нисса 522 М» русумли, бошланғич нархи — 201 905 сўм;
«Нисса 521 М» русумли, бошланғич нархи — 178 435 сўм;
«МТЗ-80Х» русумли, бошланғич нархи — 584 953 сўм;
«ГАЗ-31029» русумли, бошланғич нархи — 700 000 сўм;
Якка тартибда уй-жой қурувчилар учун мўлжалланган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали-14 мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0.04 га. бўлган ер майдонлари. Бошланғич нархи — 269 339 сўм. Ер майдонлари бўйича аризаларни қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.
Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 69-уй.
Тел: 144-44-72, 144-44-73.

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази
Кўчмас мулк, автотранспорт, ер участкалари бўйича аукционлар, танловлар, биржа савдоларини мунтазам ўтказмоқда.
Маҳсулотлар, хомашё, хизматлар сотиш ва сотиб олиш юзасидан экспорт, импорт ва биржа контрактларини тузиш бўйича хизматларни миллий валютада ҳам, эркин муомаладаги валютада ҳам кўрсатмоқда.
Шартномаларнинг ишончлилиги, тезкорлиги ва сир тутилишини таъминламоқда.
Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент, Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: (371) 144-72-50, 144-43-77.

Ташкентский городской муниципальный биржевой центр проводит 8, 22 сентября, 13 октября 2000 года в 10 часов аукционные торги.
НА ТОРГИ ВЫСТАВЛЯЮТСЯ:
Имущество принадлежащее ООО «Таъминлашчи», расположенному по ул. Кренкеля, дом 20:
— автомобиль ЗИЛ-130, гос. № 09-07 ТНК, стартовая цена 404586 сумов;
— пишущая машинка, стартовая цена 330 сумов;
— стол письменный, стартовая цена 260 сумов;
— калькулятор, стартовая цена 210 сумов.
МГП Дока-хлеб «Файзли баракали нон», расположенное в Мирзо Улугбекском районе, Троицкое шоссе, 24, стартовая цена 94629515 сумов.
Незавершенный строительством автогараж на 250 автомобилей, принадлежащий СРПП «Узэмергоремонт», расположенный в А. Икрамовском районе, п.Хасково, стартовая цена 120346245 сумов.
Ташкентский деревообрабатывающий комбинат, расположенный в Сабир Рахимовском районе, ул. Джами, 228, стартовая цена 29845300 сумов.
Автозаправочная станция № 89 (АЗС-89) с земельным участком площадью 4411 кв.м., расположенная в Юнусабадском районе, ул. Д.Абидова, стартовая цена 47 284 561 сум.
Автотранспортные средства, принадлежащие:
— Управлению по контролю и координации транспортных услуг «Ташгорпассавтотранса», расположенному ул. А.Темура, 17.
— автомобиль РАФ-22038, гос. № 10АА851, стартовая цена 741605 сумов.
— НПО АО «Узавтотранстехника», расположенному ул. А.Темура, 1 пр.
— автомобиль РАФ-2203, гос. № 10АF254, стартовая цена 212003 сума.
— Специализированному медицинскому центру восстановительной хирургии крупных суставов и кисти, расположенному по ул. Фарабий 2. — автомобиль ИЖ-2715, гос. №10АF168, стартовая цена 84427 сумов.
Земельные участки под индивидуальное жилищное строительство, передаваемые в пожизненно-наследуемое владение граждан, площадью 400.0 кв.м., расположенные на массиве Сергели-14 Сергелийского района. Стартовая цена одного земельного участка 269 339 сумов.
Прием заявок на участие в аукционе по земельным участкам прекращается за трое суток до начала проведения аукциона.
Объекты недвижимости и имущество предприятий, объявленных банкротами, и в счет погашения долгов перед бюджетом.
СПЕШИТЕ, ЭТО ВАШ ШАНС!
Наш адрес:
г. Ташкент, ул А. Кадыри, дом 13, ком.1.
Телефоны для справок: 144-43-77

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)
МУАССИС:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
БЎЛИМЛАР:
Сиёсат ва ҳуқуқ — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.
МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Навбатчи
Ҳайдар НОСИРОВ
Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Сахифаловчи-дастурчи
Икром ИСМОИЛОВ
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 702
Топшириш вақти -- 21.00.
1 2 3 4 5 6
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА